



TOSHKENT VILOYATI YANGIYO'L TUMANI XALQ TA'LIMI BO'LIMI MUDIRINING BUYRUG'I

18«10»2022 yil.

246-10-146-XT/2022-son

Объектларни фойдаланишга тайёр холда таъмирлашга доир пудрат шартномаси

№ 3

Янгийўл тумани

10.2022 й.

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Янгийўл тумани Халқ таълими бўлими номидан Низом асосида иш кўрувчи (устав, низом, ишончнома) А.Халиков бир томондан ва кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган "STROY PLYUS IDEAL" mas'uliyati cheklangan jamiyati номидан Низом (устав, низом, ишончнома) асосида иш кўрувчи Э.А.Туймабаев иккинчи томондан Тошкент вилояти Янгийўл тумани Халқ таълими бўлимига қарашли 45-сонли мактабнинг бўш турган биносини жорий таъмирлашга доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I. Таърифлар

1. Мазкур шартномада қуйидаги тарифлар қўллангилари:
ижро ҳужжатлари – натуралда бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахелар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект жорий таъмирлашига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралик даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда жорий таъмирлаш нормалари ва қондаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

таъмирлаш майдони – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси.

Объектнинг таъмирлаш майдони chegarasi ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

вакцинчалик ишцоотлар – Пудратчи томонидан таъмирлаш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вакцинчалик бинолар ва ишцоотлар;

беркитиладиган ишлар – сифати ва анкичилигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин анкилаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

шартнома нархини бўлиб чиқиш – ишларнинг ҳар бир босқичи ва ёки турлари қийматини аниқ белгиланган холда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II. Шартнома мавзуси

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига Тошкент вилояти Янгийўл тумани Халқ таълими бўлимига қарашли 45-сонли мактабнинг бўш турган биносини жорий таъмирлаш лойиҳада кўзда тутилган объектни фойдаланишга тайёр холда қуриш бўйича таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади. Буюртмачи эса Пудратчига таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур шaroнлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. Шартнома бўйича ишлар қиймати

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилган, танлов савдоси (Энг яхши таклифни танлаб олиш) натижасида аниқланган ва таплов комиссиясининг Қарори (12.10.2022 йилдаги 159766-лот баёиномаси) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йингилар ва ажратмаларни ўз ичига олган холда жорий нархларда 450 000 000 (Турт юз эллик миллион) сўмни ташкил этади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги холлар бундан мустасно:
таъмирлаш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;
ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;
объектнинг таъмирлаши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда.

5. Таъмирлаш муддати бир йилдан ортик бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш конун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. Пудратчининг мажбуриятлари

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга I-иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топишириш;
I-иловага мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, оморга жойлаш ва сақлаш;

таъмирлаш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

таъмирлаш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф мухитни, ўтказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари ўрнатиш;

таъмирлаш таваккалчиликларини суғурта қилиш;

мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда таъмирлаш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, аякомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

таъмирлаш майдони кўрикланишини таъминлаш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдидан тўлиқ мулкий жавоб беради.

V. Буюртмачининг мажбуриятлари

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага I-иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган таъмирлаш майдонини объект қурилиши ва таъмирлаш тугаллангунгача бўлган даврга далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига I-иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришнинг амалга ошириш;

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 2 ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

VI. Ишларни бажариш муддатлари

10. Шартнома:

миллий валюта «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда – томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;

кейинчалик ЭАВга конвертация қилган ҳолда миллий валютада «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда – шартнома коңун ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга кирлади.

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришлади.*

12. Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 20 кунни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

VII. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматнинг **30%** яъни **135 000 000 (Бир юз уттиз беш миллион) сум** миқдорига олдиндан тўловни амалга оширади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади.

16. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг 70 фоизгача доирасида амалга оширилади.

17. Объектнинг шартномавий жорий қийматининг қолган таъмирлаш тугаллангандан кейин икки босқичда тўланадиган микдор фоизи учун Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб таъмирлаш тугаллангандан кейин ва объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан кейин икки босқичда;

объект қабул комиссияси томонидан қабул қилинган кундан бошлаб 30 кун мобайнида - ишлар қийматининг камида 70 фоизи миқдорда;

мазкур шартномада белгиланган кафолатли муддат тамом бўлгандан кейин-ишлар қийматининг 3 фоизгача миқдорда, бироқ молия йили тугамасдан амалга оширилади.

18. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши ҳавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

19. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан овоз қилинмайди.

VIII. Ишларни бажариш

20. Буюртмачи таъмирлаш майдонида ўз вақилини – техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

21. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўхтисиз тапишиш ҳуқуқига эгадир.

22. Пудратчи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган таъмирлаш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларга мунтазам равишда қатнашади.

23. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жаadwalига биноан объектда ишларни бажаришни муスタқил равишда ташкил этади.

24. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органилари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

25. Таъмирлаш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

26. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортикча тупрок ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва ситишмаётган тупроқни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

27. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда таъмирлаш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни привязка қилиш учун Пудратчига геодезия нукталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

28. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

29. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашсини схемалари ва жаadwalларини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

30. Таъмирлаш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қуриган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

31. Пудратчи ўзи томонидан таъмирлаш да қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати тўғрисидаги ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, техник регламентларга ёки стандартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

32. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркигиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошлангичдан 3 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва «Давархитектуралиш назорат» инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

33. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан масъул конструкцияларни оралик қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг «Давархитектуралиш назорат» инспекцияси билан келишган шартларида беркигиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

34. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

35. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг маффаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четта чиқishларни Буюртмачининг розилғисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганидигини неботласа жавобгар ҳисобланмайди.

36. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз қучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмастан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун қелишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 34-бандининг иккинчи хатбошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни қелишилган муддатларда тузата олмаसा, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

37. Пудратчи таъмирлаш майдонини ва унга туташ кўча полчасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлақларни суғуриб-сидирали ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдондан таъмирлаш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

38. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинishi, ўтказилган сиповлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиғи билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, таъмирлаш техникасининг ишдан чиқishi тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилиши тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарига ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

IX. Ишларни кўриклаш

39. Пудратчи ишлар бошланишидан таъмирлаш тугаллангунгача ва таъмирлаши тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада кўриқланишини таъминлайди.

40. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк объект қабул қилиб олинганидан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

X. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

41. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиғи табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида қелиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажариллишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этилади.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

42. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қилади.

43. Агар томонлар икки ой ичида қелиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XI. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш

44. Таъмирлаши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиш тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

45. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрилиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришомаси Буюртмачи томонидан олинган қундан бошлаб 3 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

46. Пудратчи таъмирлаши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 2 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос қелишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

47. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

XII. Қафолатлар

48. Пудратчи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиҳа ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қондалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

ўзи томонидан таъмирлаш учун қўлданиладиган таъмирлаш материаллари, асбоб-ускуналар ва буловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, техник регламентлар ёки стандартларга мувофиқлигини; ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг қафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни; объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қондаларига мувофиқлигини қафолатлайди.

49. Объект ва унга қирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг қафолатли муддати томонлар қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан қондан бошлаб камида 12 ой этиб белгиланади. Объект томининг қафолатли муддати камида Объектни том қисми қафолат муддати ой этиб белгиланади.

50. Агар объектдан фойдаланишнинг қафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда қафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайл этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган қафолат сўммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

51. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш «Давархитектқурилишназорат» органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича иктисодий судга мурожаат қилишини истисно этмайди.

XIII. Шартномани бекор қилиш

52. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин таъмирлашнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортик муддатга кўлайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жалвалига рияз этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қондаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

53. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортик муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

54. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади. Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

55. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

56. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарин, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

57. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XIV. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

58. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

59. Мазкур шартномага тегишли шовчаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига рияз қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган ўз мажбуриятларини бажарилмаган қисмининг 0.4 фоизи миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий сўммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 0.7 фоиздан ошмаслиги дозим.

Пеня тўлашиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

60. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда, бош тортиқнинг учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рағ этган ёки бош тортиқ сумманинг 0.1 фоизи миқдорда жарима тўлайди.

61. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузилиши учун Буюртмачига муддатни ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0.2 фоизи миқдорда пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 0.3 фозидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддатни ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0.2 фоизи миқдорда пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0.3 фозидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

62. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрилари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи «Давархитектуришишназорат» инспекциясининг ҳуқуқсиз асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тўртиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 0.2 фоизи миқдорда жарима ундириш ҳуқуқига эга.

63. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган ҳаражатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

64. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

XV. Низоларни ҳал этиш тартиби

65. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иккисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

XVI. Коррупцияга қарши қурашиш бўйича бандлар

66. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажариш доирасида томонлар коррупцияга қарши қурашиш қоидаларига, шу жумладан амалдаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлайди: уларнинг ходимлари, филиаллари, бенефициарлари ва уларнинг шериклари, шартномани бажариш бўйича пора бериш ёки олиш, порахўрликда воситачилик қилиш, давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ҳодимига пора беришдан воз кечишларини таъминлаш ёки моддий ёки номоддий фойда олиш ҳамда томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш чораларини кўриштириш кафолатлайди.

67. Коррупцияга қарши қураш қоидалари бузилган ёки асосли шубҳалар юзга келган тақдирда томонлар бир-бирларини дарҳол ёзма равишда (антисоррупцион(а)укс.уз) электрон почта орқали ёки телефон орқали (+9978-140-74-48) хабардор қилиш мажбуриятини оладилар. Томонлар вазиятга оидлик киритиш максалида ёзма тушунтириш талаб қилишга ҳақли. Мурожаатни қабул қилган Томон еса 10 (ун) иш куни ичида ўз фикрини билдириши ёки изох бериши мумкин.

68. Ушбу банддаги талаблар бажарилмаганда, шу жумладан, коррупция хавфини белгиланган муддатда бартараф этиш, тарафлар томонидан коррупцияга оид вазиятнинг пасайишига олиб келадиган чоралар кўрилмаган тақдирда, бошқа томон шартномани бекор қилиш ёки унинг бажарилишини тўхтатиб туришга ҳақли.

69. Ушбу бандда назарда тутилган асослар бўйича шартномани бир томонлама бекор қилишни талаб қилган тарафга етказилган зарарни қоплаш ушбу шартноманинг 5-бандида назарда тутилган тартибда амалга оширилади, шу билан бирга ушбу бандда назарда тутилган мажбуриятларни бузган томон шартномани бир томонлама бекор қилиш натижасида етказилган зарарлар учун компенсацияни талаб қилишга ҳақли эмас.

XVII. Алоҳида шартлар

70. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотди.

67. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатсиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

71. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

72. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномани келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахлоқсизлиги томонлар ушбу шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

73. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин таъмирлаш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи курилиш майдонини овоз килиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

74. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

75. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 3 нусхала тузилди.

76. Шартнома амал килиш муддати **2022 йил 31 декабр**гача.

XVIII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

Буюртмачи:

Пудратчи:

Янгийўл туман Халқ таълими бўлими

"STROY PLYUS IDEAL" МЧЖ

Манзил: Янгийўл тумани Гулбахор кўрғони
Х/р: 100022860272597092100075086
Газначилиги х/р: 23402000300100001010
ИНН: 201122919 ИНН: 200588118
Банк: Тошк.ш., МБ ХККМ.
МФО: 00 014


Манзил: Янгийўл тум., Э.Ковунчи, И.Ўразов
Х/р: 20 208 000 905 206 511001
ИНН: 307 242 889
МФО: 01 037

Банк: МБ "Кишлоқ Курилиш Банк" Янгийўл
бош. амал. бошқармаси

Раҳбар: _____ А.Халиков

Раҳбар: _____ Э.А.Туймабаев



	Hujjat <u>elektron raqamli imzo</u> orqali imzolangan. Elektron raqamli imzoning haqiqiyiligini tekshirish uchun QR Code ni skanerlang.	
	Imzolovchi F.I.SH.	AKROM XALIKOV ALISHEROVICH
	Imzolangan sana	18.10.2022 10:03
	Hujjat kodi	RP8605388178
	Hulosa kodi	UK2875445383



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"STROY PLYUS IDEAL" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"STROY PLYUS IDEAL" MCHJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

18.03.2020

829451

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil)

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

307242889

Tashkiliy-huquqiy
shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi:

Toshkent viloyati, Yangiyo'l tumani, Eski Qovunchi, Ilyos Urazov MFY, Jo'ra
Safarov ko'chasi, 45 uy,

Guvohnoma:

Toshkent viloyati, Yangiyo'l tumani, DAVLAT XIZMATLARI tomonidan
MARKAZI berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi)



Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 159766 на приобретение Тошкент вилояти Янгийул тумани Халқ таълими бўлимига қарашли 45-сонли мактабнинг бўш турган биносини жорий таъмирлаш.

Способ проведения электронный

Дата 12.10.2022

Время рассмотрения 12.10.2022 18:22

Закупочная комиссия Янгийул туман Халқ таълими бўлими, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	XALIKOV AKROM ALISHEROVICH	Комиссия раиси	Янгийул туман Халқ таълими бўлими
Секретарь комиссии	ABDUMOVLONOVA AZIZA SAIDGANIYEVNA	Котиба	Янгийул туман Халқ таълими бўлими
Член комиссии	ABDUXAKIMOV ANVAR UMIRZAKOVICH	Комиссия аъзоси	Янгийул туман Халқ таълими бўлими
Член комиссии	DADAJANOV ABDUJALOL JURABAYEVICH	Комиссия аъзоси	Янгийул туман Халқ таълими бўлими
Член комиссии	ABDASHEV BOTIRBEK UBAYDULLAYEVICH	Комиссия аъзоси	Янгийул тумани Халқ таълими бўлими
Член комиссии	MIRAXMEDOV ERGASHIYAY ERKINBAYEVICH	Комиссия аъзоси	Янгийул тумани Халқ таълими бўлими

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 12.10.2022 года № лота 159766.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.техничко-квалификационной части: 100.00 / Весовой коэф. ценовой части: .00)

Мин. балл: 50

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по текущему ремонту зданий
Подробное описание	Тошкент вилояти Янгийул тумани Халқ таълими бўлимига қарашли 45-сонли мактабнинг бўш турган биносини жорий таъмирлаш.
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	453 894 626.00
Стартовая сумма	453 894 626.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Кафолат хатлари.

Тип: Текстовое значение

Описание: Лойиҳа сметага асосан жорий таъмирлаш ишларни сифатли бажариш тўғрисида ва танлов иштирокчилари томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича кафолат хатлари.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
МЧЖ "STROY PLYUS IDEAL"	25	Кафолат хатлари.	25	Экспертная		
ООО EVEREST CONSTRUCTION PROJECT	25	Лойиха сметага асосан жорий таъмирлаш ишларни сифатли бажариш тўғрисида ва танлов иштирокчилари томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича кафолат хатлари.	25	Экспертная		

Критерий №2 Маълумот.

Тип: Текстовое значение

Описание: Объектини кўздан кечирганлиги тўғрисида маълумот.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
МЧЖ "STROY PLYUS IDEAL"	25	Маълумот.	25	Экспертная		
ООО EVEREST CONSTRUCTION PROJECT	25	Объектини кўздан кечирганлиги тўғрисида маълумот.	25	Экспертная		

Критерий №3 Маълумотлар.

Тип: Текстовое значение

Описание: Ташкилотга хизмат кўрсатувчи банкдан бир йиллик касса айланмаси ва К2да қарздорлик мавжуд эмаслиги, ишчилар сони, солиқлар ва мажбурий йиғимлардан қарздорлик мавжуд эмаслиги, ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-тамоилларинг мавжуд эмаслиги ва инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги тўғрисида маълумотлар.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
МЧЖ "STROY PLYUS IDEAL"	25	Маълумотлар.	25	Экспертная		
ООО EVEREST CONSTRUCTION PROJECT	25	Маълумотлар.	20	Экспертная		

Критерий №4 Техникалар.

Тип: Текстовое значение

Описание: Таъмирлаш ишларини бажариш учун техникалар мавжудлиги тўғрисидаги маълумот.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
МЧЖ "STROY PLYUS IDEAL"	25	Техникалар.	25	Экспертная		
ООО EVEREST CONSTRUCTION PROJECT	25	Таъмирлаш ишларини бажариш учун техникалар мавжудлиги тўғрисидаги маълумот.	25	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
МЧЖ "STROY PLYUS IDEAL"	453 894 626.00	450 000 000.00 UZS	450 000 000.00	00.00	450 000 000.00	11.10.2022 12:40:07	0
ООО EVEREST CONSTRUCTION PROJECT	453 894 626.00	450 000 000.00 UZS	450 000 000.00	00.00	450 000 000.00	12.10.2022 09:43:51	0

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
МЧЖ "STROY PLYUS IDEAL"	100	0	100
ООО EVEREST CONSTRUCTION PROJECT	95	0	95

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 159766 от 12.10.2022 года на приобретение Тошкент вилояти Янгийул тумани Халқ таълими бўлимига қарашли 45-сонли мактабнинг бўш турган биносини жорий таъмирлаш, опредила победителем:

МЧЖ "STROY PLYUS IDEAL"
307242889

и резервный исполнитель: ООО EVEREST CONSTRUCTION PROJECT (303171688)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	XALIKOV AKROM ALISHEROVICH	Согласен	
Член комиссии	ABDUXAKIMOV ANVAR UMIRZAKOVICH	Согласен	
Член комиссии	DARAJANOV ABDIJALOL JURABAYEVICH	Согласен	
Член комиссии	ABDASHEV BOTIRBEK UBAYDULLAYEVICH	Согласен	
Член комиссии	MIRAXMEDOV ERGASHVAY ERKINBAYEVICH	Согласен	

"ТАСДИКЛАЙМАН"
Янгийул туман Халқ таълим бўлими
А.Халиков

БАЁННОМА № 11

Янгийул туман

18 октябрь 2022 йил

Раислик қилувчи:
Янгийул туман Халқ таълим бўлими:

А.Халиков

Катнашчилар: _____ комиссия аъзолари
(А.Дадажонов, А.Абдухакимов, Э.Мирахмедов, Б.Абдашов,)

КУН ТАРТИБИ

Янгийул тумани ҳудудида жойлашган Янгийул туман Халқ таълими тасаруфидаги 45-мактабнинг буш турган биносини жорий таъмирлаш, жорий таъмирлаш ишларини олиб бориш.

2022 йил 12 октябрдаги Давлат харидлари комиссиясининг электрон портали орқали шаклланган "Янгийул тумани ҳудудида жойлашган Янгийул туман Халқ таълими тасаруфидаги 45-мактабнинг буш турган биносини жорий таъмирлаш, жорий таъмирлаш ишларини олиб бориш, бўйича" баённомасига асосан эълон якунига кўра, комиссия аъзолари томонидан МЧЖ "STROY PLYUS IDEAL" ташкилоти ғолиб деб топилганлигини инобатга олиб;

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги УПК, 684-сон Қонуннинг 62-моддаси 3-бандига асосан баённома Давлат харидлари электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш қунига жойлаштирилган баённома бўйича ҳеч қандай эътирозлар ёки кўшимча таклифлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ҳамда комиссия аъзоларининг 2022 йил 12 октябрдаги баённомасига асосан МЧЖ "STROY PLYUS IDEAL" ташкилоти ғолиб деб топилганлигини инобатга олиб, ташкилот билан қонунчиликка асосан шартнома расмийлаштирилсин.

Комиссия аъзолари:

_____ А.Дадажонов
_____ А.Абдухакимов
_____ Э.Мирахмедов
_____ Б.Абдашов
_____ А.Абдумавлолонова

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUIJATLARNING QONUN
HUIJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

UK2875445383

1. Loyihaning turi : Shartnoma

2. Loyihaning nomi: **45 maktab**

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: YANGIYO'L
TUMANI XALQ TA'LIMI BO'LIMI tomonidan 13.10.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish
maqsadga muvofiq.

**Yangiyo'l tuman
yuridik markazi
bosh yuristkonsulti:**



S.A.MAMATQULOV

17.10.2022